

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОСИЙ номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 894.375—22

НОМОЗОВ Абдимурот Назарович


**Ҳозирги ўзбек драматургиясининг
комик табиати**

(Саид Аҳмад ва Улмас Умарбеков комедиялари асосида)

10.01.02—Ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И



Самарқанд—1994

Хурмати долмаиз, профессор
С. Н. Юсуповга мухтажднам соғиник
саломатлик тилаб

Муаллим

Илмий тадқиқот Алишер Навоий номидаги Самарқанд
Давлат университети ҳозирги замон ўбек адабиёти кафедрасида таъёрланган.

Илмий раҳбар

—Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор С. З. МИРЗАЕВ.

Расмий оппонентлар

—Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор С. МИРВАЛНОВ,

—филология фанлари номзоди, доцент А. АЗИМОВ.

Етакчи муассаса

—Файзулла Хужаев номидаги Бухоро Давлат университети.

Ҳимоя 1994 йил июнь ойининг 29 кунин соат 10 да Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги К. 087.06.22 рақамли номзодлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади (703004, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15).

Диссертация билан Самарқанд Давлат университети илмий кутубхонасида танишни мумкин.

Автореферат 1994 йил май ойининг 28 кунин тарқатилган.

Ихтисослаштирилган илмий кенгаш
котиби, филология фанлари доктори,
профессор

Ҳ. И. УМУРОВ.

ИШНИНГ УЎМИЙ ТАВСИФИ

Мазкурнинг долзарблиги. Ўзбек адабиётшунослигида комиклик муаммоси ҳамда уни турли адабий жанрларда, айниқса, комедияда ўзига хос тарафа намоён бўлиш йўллари ва қўринишларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганish муҳимдир. Зеро, комик ҳодисанинг қуда кўп қўринишларга эга эканлиги, унинг илмийлари мумтоз адабиётининг намуналарига бориб тақалиши ҳам бу мавзунинг илмий жиҳатдан махсус ўрганиши тақозо этади.

Тўғри, И. Султонов, Х. Абдусаматов, Т. Турсунов, М. Қодиров, Р. Муқимов, У. Норматов, Б. Гуломов, Б. Ёмомов сингари олимларнинг мақолаларида комиклик муаммоси ва унинг турли адабий жанрлардаги талқини, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида африм фикр-мулоҳазалар баён этилган. Бироқ, бизнингча, комиклик муаммосининг комедия жанрида ўзига хос тарафа намоён бўлишини алоҳида талқиқот сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур диссертациянинг маънога келиши ҳам худди ана шу талаб ва ихтилоф билан изоҳланади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирга қунда талқини орасида комик асарларга, айниқса, комедияларга бўлган қизиқли кўтариш. Чунки комедияларда турмушимиздаги африм воқуш қўриниш ва ҳолатларнинг, одамлар характерида, онгида сақланиб келаётган нуқсонларнинг қулги воситасида қўш этилиши табиатан қулгига ўч, ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган талқиниизга қуда маъқул келади.

Ўзбек адабиёти комик асарлар яратили соҳасида бои анъанага эга. Ҳазил, Чўлпон, Фитрат, А. Қаҳҳор, У. Ёгуни, Б. Раҳимов каби драматургларнинг бу соҳадаги бои анъаналари сўнги даврларда Х. Гулом, Саид Аҳмад, Э. Воҳидов, У. Умарбеков, М. Бошбеков ва бошқа драматурглар томонидан иқодий даром этирилади ва даром этирилишқуда. Натижада комедия жанри янги-янги сифат ва хусусиятлар билан бойлаб борди. Сўнги йилларда ўзбек адабиётида яратилган қўнлаб комедияларга хос хусу-

сиятлар Саид Аҳмад ва Улмас Умарбеков асарларида яққол гавдаланади. Бунинг учун ҳам диссертацияда ҳозирги замон ўзбек драматургиясининг кендик табиатини кўпроқ ва асосан ана шу икки ёзувчи комедиялари мисолида ўрнатилган лозим тешик.

Маърузанинг ўтрақлиги парадокси ва тадқиқотнинг илмий янглиғи.

Ўзбек драматургиясида комиклик муаммосини бир драматург икки ёки кўрайдан бир туркум комедиялар мисолида махсус ўрнатилган, комедия жанрининг халқ оғзаки ифоди намуналари билан алоқасини тадқиқ қилиш, комиклиқнинг турли-туман адабий жанрларда ўзига хос тарзда намоён бўлишини аниқлаш муҳим илмий-назарий қимматга эга. Бироқ, бу масалалар ҳалигача адабиётшунослигимизда махсус тадқиқот объектига айланган эмас. Шунга кўра, айрим мақолаларда комик ҳодисанинг намоён бўлиш шакллари, комик ҳодиса ва қулги ўртасидаги фарқ ва ўзаро боғлиқлиги масалаларига бир томонлама ёндашил ҳолилари маъқул.

Комик ҳодисанинг табиати, хусусиятлари, уни драматург усудоб билан боғлиқлиги, қулги ва комиклик тушунчалари ўртасидаги фарқ ва яқинлик, комик ҳодисани ҳосил қилишда қонли халқ тили бойлиги ва бадиий-тасвирий воситаларнинг ўрни тўғрисидаги фикрларни ва илмий хулосаларни ушбу ишдаги янгликлардир, деса бўлади.

Диссертацияда адабиётшунослиқда қизиқарли муаммосига доир ай-тилган баъзи танқидий фикрларга муносабат ҳам билдирилади. Диссерта-тада ўз кузатишлари, изланишлари ва қатор асарлар таҳлилига таянган ҳолда муайян фикр ва таълифларни ўртага ташлади. Ишда ҳозирги за-мон ўзбек драматургиясида мумкин адабиётнинг асосий хусусиятлари, илгер анъаналари иккидан давом этиб келаётган мисоллар асосида кўрсатиб берилди.

Тадқиқотнинг илмий ва назарияси. Диссертацияда комиклик муам-моларини тадқиқ қилиш қўриқлиги масалаларини ўз ичига қамраб олади:

- халқ оғзаки ифоди бойлиқларида комик ҳодисаларнинг кўринишлари

ва уларнинг ҳозирги вақон қомецияларида янги на шайда намоён бўлиши;

- илобийлик муаммосининг қомик ҳодиса билан алоқасининг;
- қонфликт ва қарақтернинг қомедияда қомплекцияна қосил қиллилаги ўзига қос ўрни ва роли;
- қомик ҳодиса ва қулги ўргасидаги яқинлик ва фарқлар;
- қомиклик муаммоси ва драматург мақорати масалалари;
- қомик ҳодиса ва унда бақлий-қасвирий воситаларининг роли.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияна баён этилган фикрлар ва илмий қулосалар ўзбек драматургияда қомиклик муаммоси, қонфликт ва қарақтернинг қомик ҳодиса табиқининг ўрганилаги роли, қомплекциянинг иқодкер ўслуқи билан алоқасининг янги қирраларини тадқиқ этишда муайян аҳамиятга эга.

Диссертация материаллари ва унда асослаб берилган илмий қулосалардан филология факультети талабалари ва ўқитувчилари адабиётда ўслуқлар ва қаррлар масалаларини, қомедия қаррининг ўзига қос қусуқияларини ўрганилагида ўқув материалли сақатида фойдаланишлари мумкин. Айни пайтда, диссертацияда қулланган илмий манбалар, матеаллар бўйича олий ўқув ортларининг филология факультетларида мақсус қурс ва мақсус семенар машғулотлари тақшил қилса бўлади.

Тадқиқотнинг методологик ва илмий-назарий асослари. Ўзбек адабиётшунос олимларининг, айниқса, И. Султонов, М. Қученов, Х. Абдуқоматов, О. Парфиддинов, Р. Муқимов, У. Ноғматов, М. Қолдров, Б. Қомов, Б. Қулумов ва бошқаларнинг қомиклик ва қулги масалаларига бағишлаб ёзган асарлари, улардаги илмий қулосалар диссертация ишнининг методологик асосини тақшил қилади.

Илмий-тадқиқот объект. Диссертацияда қомиклик муаммоси ва унинг турмушда турли-туман қураллиларда намоён бўлиши ўзбек қомедиялари, қусусан, Саид Ақнод ва Умас Умарбеқов асарлари мисолида

ташкиқ қилинган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари. Диссертация иши Ашкер Рабобий номидаги Самарқанд Давлат университети hozirgi замон ўзбек адабиёти кафедрасига бағарилид. Ишнинг тугалланган нускаси мазкур кафедрада /1993 йилда/ махсус муҳофиза қилиниб, хисобга тавофия этилди.

Тадқиқот натижалари ҳақида диссертант Самарқанд профессор-ўқитувчиларининг аъъанавий илмий-назарий конференцияларида /1988., 1989., 1990., 1991., 1992., 1993./, шунингдек, Сайфулла Хулаёв номидаги Самарқанд кичик ҳўзалик институтини профессор-ўқитувчиларининг аъъанавий илмий-назарий конференцияларида /1990., 1991., 1992., 1993., 1994./ ёилот ёи ёилолог олимларининг илмий конференцияларида /1987., 1988./ маълумга қилган. Диссертация мавзуси бўйича 5 та илмий мақола ва тезис ёълон қилинган.

Диссертациянинг ётвркини. Бу тадқиқот иши "Қирғи" ва "Хўлоса" крисидаги ташқари уч ёобдан ёборат. Ёнда ёойналанилган илми ва бадиий адабиётлар рўйхати ҳам ёерилган. Ёкуман иш хамда 129 саҳифалик ёборат.

ИЛМИЙ ИШНИНГ АСОСИЙ МАЪМУНИ

Диссертациянинг "Қирғи" крисида мавзунинг ёулунги кўв талибларидан келиб чиккан долзарблиги ташқиллаванди, мавзуга долр илмий тадқиқотларга танқидий ёбор, шунингдек, тадқиқотнинг тузилиши ҳақида маълумот ёерилди.

Диссертациянинг биринчи ёоби /"Комедия жанрида ёобийлик"/ да ёобийлик муаммосининг ўзбек драматургиясида, мавзусав, комедия жанрида ёобдаланиш шакллари ва унинг ўзига хос хўсусиятлари тадқиқ қилинади. Диссертант драматургиянинг асарла кўрсатилган нуқсонларга муносабати, муаллиф поэзияси комедиядаги ёобийликни ёамобя бўлишининг ўзига хос асосий кўринишидир, деган хўлосани олға сўради.

Маълумки, ёобийлик туғунчаси турмушда зўда келг маълуми ан-

латади. Ёзувчи бадиий асарда турмушдаги ранг-баранг воқеа-ҳодисаларни, турли характердаги кишиларни кўрсатиш асосида ижобийлик муаммосини ҳал қилади. Ёзувчи гоҳо ҳаётдаги ибратли томонларни, кишилар характеридаги фазилатларни тасвирлаш асосида ижобийликни намойён этса, баъзан эса салбий ҳодисаларни кўрсатиш, одамлар табиатидаги нуқсонларни очиб ташлаш заманида ижобийликни ибодалайди.

Ижобийлик, одатда, комедиянинг мағз-мағзига янгирилган бўлиб, асарнинг умумий мазмуни билан боғланган бўлади. Шунинг учун ҳам ижобийликни асарнинг умумий мазмунидан узиб олиб ўрганиб бўлмайди. Бадиий адабиётда ижобийликнинг ибодаланиши узок тарихга, қадимий эъзага эга. Жаҳон адабиётидаги комедия жанри тараққиёти тарихи ҳам ана шундан далолат беради.

Жаҳон адабиёти илгор анъаналарини ўзида муҳассам этган ва давом эттирган ўзбек комедиячилигида ижобийликнинг ибодат этилиши турли кўринишларга эга. "Майсаранинг йши" /Ҳамза/, "Шоҳи сўзана", "Тебутдан товуш" /А. Қаҳҳор/, "Қалтис ҳазил" /Ўйғун/, "Брак сирлари" /Б. Раҳмон/, "Топшолта ошиқ" /Х. Гулом/, "Қелинлар кўзголови" /Саид Аҳмад/, "Олтин девор" /Э. Воҳидов/, "Курорт" /Э. Умарбеков/, "Темир хотин" /Ш. Бошбеков/, "Зуддир" /А. Иброҳимов/ сингари комедияларни таҳлил этганда бунга тўлиқ қаноат ҳосил этиш мумкин.

Ўзбек комедиянавислари жаҳон реалистик драматургиясининг ижобий анъаналарини давом эттирмоқдалар. Бу ҳолни, айниқса, Ҳамзанинг драматик асарлари, хусусан, комедиялари мисолида очиқ кўриш мумкин. Ҳамза комедияларида /"Тухматчилар жазоси", "Майсаранинг йши" да/ жаҳон драматургияси анъаналарига новаторларча ёндошиш яққол намойён бўлган.

"Майсаранинг йши" комедиясида драматург Майсаранинг донолигини, тадбиркорлигини кўрсатиш, Қози, Мулларўзи, Ҳидоятхон сингари лирият пешволарини кулги ёрдамида ёш этиш орқали ижобийликни

намоён қилади. Драматургнинг уларга муносабати Майсара тилида яққол ифодаланади: "Ҳали сизми парнатнинг посибонд! Манг лазнат сизга!"¹.

Комедия жанрида ижобийликнинг намоён бўлиши ҳақида сўз борганда икки муҳим ҳусусиятни унутмаслик керак. Биринчидан, муайян бир комедияда акс эттирилган воқеа-ҳолиса моҳиятига кўра, унда бирорта ҳам ижобий қаҳрамон иштирок этмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда драматургнинг ҳаётий материалга муносабати, асарнинг умумий руҳи, нафоси ижобийликнинг намоён бўлишига хизмат қилади. Бундай асарларга "Ревизор" /Н.В.Гоголь/, "Мухторият ёки автономия" /Ҳамза/ комедиялари мисол бўлади. Демак, ижобийликни ифодалаш учун асарда ҳамма вақт ижобий қаҳрамон иштирок этиши зарур дейиш тўғри эмас.

Ҳамза "Мухторият ёки автономия" комедиясида салбий персонажларнинг фаҳм-фаросатсизлигини уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари, ўз нутқлари воситасида фож қилади. Ва бу йул билан ижобий кучларнинг қудратини кўрсатиб, эзтуликни улуглабди. Бу комедиядаги калтафаҳми ва ҳовлиқча уламо-домлалар махсус назлис ўтказиб, бизга республика ёки автономия керакли деган масалани муҳокама қилишади. Драматург комедияда мустақил фикр-мулоҳазага эга бўлмаган кимсалар устидан шу тарзда қулиш заминида ижобийликни ифодалабди.

Шундай қилиб, диссертацияда ижобий қаҳрамонлар иштирок этмаган "Ревизор" ва "Мухторият ёки автономия" комедиялари таҳлили мисолида драматургнинг ҳаётдаги нуқсонларга ва салбий шахсларга муносабати, қулгиси ижобийликни ифодалашнинг муҳим омилдир деган тезис олга сурилди.

Комедияда ижобийликни намоён этишда қулгининг эинмасига экланган маъсул вазифани алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки, қулги коме-

¹ Ҳамза Ҳамзазода Ниёзий. Таъланган асарлар. Тошкент, ЎзССР Давлат бадиий алабийет нашриёти, 1958. 271-бет.

лянда яшобий кучларнинг салбий шахслар, хилма-хил иллатлар устида
галабадан кўрсатувчи муҳим восита ва асосий омиллардан биридир.
Шунинг учун ҳам Н.В.Гоголь "Ревизор"да яшобийлик, хусусан, яшобий
кахрамонлар йўқ деган танқидчиларга жавобан: "Албуски, менинг пье-
самда мавжуд бўлган ҳалол шахсни ҳеч ким сезмади. Ҳа, бутун бир
пьеса давомида ўйналган битта ҳалол, олижаноб шахс кулгидир. Инсон-
нинг порлок табиатида кутаришган кулги"¹, - деган эди.

Иккинчидан, комедияда таяланган ҳаётий мавзунинг характериға,
муаллиф гоёвий-бадиий интиҳонинг талабига кўра, унда ҳам салбий, ҳам
яшобий қахрамон яшироқ этиши мумкин. "Тухматчилар хазоси" /Ҳамза/,
"Оғрик тишлар" /А.Қаҳҳор/, "Брак сирлари" /Б.Раҳмон/, "Курорт"
/У.Умарбеков/ сингари комедиялар ана шундан далолат беради.

"Комедияда тасвирланган шахслар, - деб ёзади Иззат Султон, -
уларнинг маънавий дунёси ниҳатдан томошабинлардан паст турган
кишилар бўладилар. Дуруст, комедиянинг марказида яшобий қахрамон
турши ва у ўзининг маънавий оламига кўра томоша залида ўтирган-
лардан бир даража баланд бўлиши ҳам мумкин /Масалан, Бомаршенинг
"Фигаронинг уйланди"да Фигаро, Гўлбековнинг "Ақллилик балоси"да
Чатқий ва Ҳамзанинг "Майсаранинг иши"да Майсара образлари ваби/.
Аммо шундай яшобий қахрамонлар комедиянинг объекти эмас, балки то-
моша залининг сахнадаги "вақийлари"дирлар ва шу сифати билан улар
ўзлари ҳам асардаги бошқа персонажлардан, яъни асарнинг комедия
эканлиги тайли этувчи шахслардан баланд турадилар ҳамда комедиянинг
асосий куроли - кулги уларга нисбатан "ишлатилмайди"². Комедиянинг
бу хусусияти "Тухматчилар хазоси", "Оғрик тишлар", "Тобутдан тонув",
"Қалтис хазил", "Курорт" сингари комедияларда ҳам бўртиб туради.

¹ "Н.В.Гоголь о литературе". М., Гослитиздат, 1952. С.22.

² Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент, "Ўқитувчи", 1980. 283-бет.

Улмас Умарбековнинг "Курорт" комедиясини олайлик. Унда 80-йиллар воқеалари кўрсатилади. Асарда икки билими намоён этишга хизмат қилувчи ҳолатлар, эҳтишатлар, эҳтисодлар, характерлар тасвири илриотик комедиялардагидек фарқ қилади. Асарнинг қисқача мазмуни қуйидагича: "Маҳнат аҳли" жамъа ҳўжалигида давлат ва халқни эллатиш, қўшиб ўзиш, порақўрлик сингари эллатлар аям олади. Драматург бу ҳоқни жамъа ҳўжалиги раиси Тулан Дуванович ва унинг ҳамтовоқларининг қилмишлари масолида фов агади. Боқеа давонда навоилик ўсиб, илдин ота боради, бирок оқир-оқибатда ҳалоқатга учради. Тулан Дуванович боқини салби¹ пақслар билан Қўзибой Қўзибоев, Мавлуда Акбарова сингари соқини қилмишлар ўртасидаги кураш жараёнида асар қончилиги намоён бўлади; комедияда иродалаган икки билим тавтана қилади¹.

Драматургнинг "Курорт" комедиясида қўзалава жамъа-бақини явти, фозил поэзияси, салби¹ ҳодиса ва эллатларга бўлган муносабати - икки билимнинг ўқини намоён бўлишини тавмиялаган. Асарда муаллифнинг салби¹ ҳодиса ва персонажларга бўлган муносабати икки билим персонажларнинг сўзлари ва ҳаракатларида ҳам намоён бўлади. Комедияда икки билим персонажларнинг салби¹ образларга қарата айтган сўзлари муаллиф тилидан отилиб чиқаётгандек тўрлади.

Шермают. Бўлди! Қуна деқимай-қу сенга! / Шақто иғуриб қикиб кетди. Қўзибойга. / Ҳазима нарсани қутгай эдим сендан, лекин бунчалик ифлослиқнинг битмаган эдим. Ёни китаблик сенга энди? Ашр! Халқни тўхта. Раис қўлларни бурига ташлаб кетган экан. Бор. / Оқборчи кета боқлади. / Тўхта! / Қўзибойга. / Бораверсинми? Халқни тўглайверсинми? Тақини қўқми бизга?

¹ Қаранг: С. Мирзаев, С. Шермухамедов. Ҳазирги замон ўзбек адабиёти. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993, 74-75-бетлар.

Куёвбой /охишта уридан туриб/ Гапни Бук сенларга.Тупланглар халқни.Уларга гапим бор.Мени кулга туширмоқчи бўлдиларингми? Тупланглар халқни.Кимнинг кимлигини халқ ўзи билиб олади.Иуқолларинг! Иуқолларинг,деяшман!¹

Адабиётимизда яна шундай комедиялар учрайдими,уларда фақат ижобий қахрамонлар иштирок этади.Бунлар,асосан,имористик руҳда ёзилган комедиялар бўлиб,уларда баъзи ижобий қахрамонлар характерида сақланиб келинаётган африм нуқсонларни ёши қилиш заминида изобилик ифодаланади,ижобий хислатлар тарғиб этилади.Комедияда изобиликни ифодалашнинг бундай кўриниши "Келинлар кўзголови", "Куёв" /Саид Аҳмад/ комедиясида яққол намоён бўлади.

Умуман олганда, адабиёт амалиёти шундан далолат берадики, комедия жанрида ҳаётдаги иллатларни, нуқсонларни очиб ташламасдан туриб, асарда изобиликнинг намоён бўлишига эришиб бўлмайди. Бу ҳақиқатга амал қилган Саид Аҳмад "Келинлар кўзголови", "Куёв" комедияларида характерлар фаолиятини, конфликт ечимини, қисқаси, асардаги баъра ҳақатларни изобиликнинг намоён бўлишини таъминлашга бўйсундирган.

"Келинлар кўзголови" комедиясида қайнона билан келин уртасидаги чегга-чегараси кўринмайдиган турли қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар моҳирона акс эттирилади.Тўғри, адабиётимизда оила, қайнона ва келин мавзусида қатор асарлар ёзилган."Аяковларим" /А.Қаҳҳор/, "Қуша-қаринлар" /Шухрат/, "Найсар қайнона" /Ҳалид Расул/, "Қудалар" /Ўткир Рашид/, "Тўй қолдирилди" /Яздон Ҳудойкулов/, "Келин келди" /Душан Файзий/ сиягари комедиялар шулар қумласидандир.Бу комедияларда ҳар бир драматург мавзу талқинига ўзинга хос тарзда ёндашди.Шунга кўра, бу асарлар мавзу талқини ҳақатдан бир-бирдан жиддий фарқ қилади.Аар драматург бир хил ҳаётий материални ўз ичига

¹ У.Умарбеков.Курорт. "Пьесалар". Тошкент, Гапур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 42-бет.

ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ўзича идрок этади, ўзича тасвирлайди. Буни "Аяковларди" /А.Қаҳҳор/ комедиясидаги Бўстон ва "Келинлар қўзғолони" /Сайд Аҳмад/ даги Фармон биби характерларини бир-бирига таққослаш мисолда очиқ кўриш мумкин. Гўшқалардан юқори турли, фарсанларини булар-бўлмасга ўз измига солиш нстаги, келинларини ўзига хизмат қилдириб, етти қават кўрпачада Утириш орзуси, чолнинг тез-тез эслаб туриши ниҳатида Бўстон ва Фармон биби харақатлари бир-бирига яқин, ухшаш. Бироқ, улар бир-бирини сира таққосламайди, уларда индивидуал сифатлар буртиб туради. Бўстон ўзбошимчаллик билан ўзига қалиқ эргаштириб келган угли Каримовнинг бу ишдан норози. Бу сабабли у углдан келина Умидани бездиришга ҳаракат қилади. Умиданинг қўлидан келмайдиган яшарна ҳам унга буюради, бақарган ишларидан булар-бўлмасга нуқсон, камчилик қилдиради. Фармон бибининг келини Магорага муносабати эса Бўстоннинг Умидлага булган муомаласидан фарқ қилади. Бунда Бўстон характерига хос бўлмаган қабозчилик, хўшайинлик сингари хислатлар буртиб кўрилади.

"Келинлар қўзғолони" комедиясида олга суртилган асосли гою оилави муносабатларимиздаги айрим камчиликларни қоралаш, қусурларни очиб ташлаш асосида янгича яшаш ва янгича фикрлашни тарғиб этишдир. Муаллиф бу гоюнинг исодачиси сифатида биринчи навбятда Фармон биби, Магора, Маҳкам, Аскар каби иккиби образларни танлаган, уларнинг хатти-ҳаракатларига, ўриш-туришлари ва сўзларига даврилик базилатларини, янгича турмуш тарзини - иккибаликни сингдирган. Бу асосда хўшда учурчи нуқсонларга ўз муносабатини билдирган. Бу комедияда иккибаликнинг нисбатан бўлиши ҳусусида адабий танқидчиликда турли фикрлар билдирилган.¹

¹ Наранг: У.Норматов. Қулги сеҳри /Ўзгичи Сайд Аҳмад билан суҳбат/. Сайд Аҳмад. Саълаана. 3-килд. Тошкент, Галур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашрияти, 1982. 601-бет; Ҳ. Абдусаматов. Диалог. "Ўзбекистон малакяте" газетаси, 1977 йил 16 сентябрь.

Комедиянинг бoshка адабиёт жанрлардан фарк келувчи муҳим ва асосий томони кулгига сероблиқдир. Буни чуқур ядғох этган Салт Аҳмад "Келаятлар кўзголови" комедиясида кулги эҳсониятларидан унумли ҳолда, санъаткорона бoйдаланган. Асардаги кулги турмуш тарзимиэни, миллий кадриятларимиэни улуғлашга, одамларда бир-бирига нисбатан меҳр-шафқат ҳисларини ўйғотилишга, нуқсонларни фoш этишга бевосита хизмат қилади. Комедиянинг бош қаҳрамони Фармон бoйи характерига хос кулги, айниқса, характерлидир. Комедияда Фармон бoйи замонадаг бироз орқанда қолган қайнона сифатида кўрсатилса-да, унинг характерлари, гап-сўзлари давр руҳини, миллий кадриятлари, ижобийликни ўзида яққол ифода этади. Айниқса, Фармон бoйининг чўрткесарлиги, ростгўйлиги, ҳалолликни юксак қадрлаши жонли ва шонарли бўлиб чиққан. Фармон бoйи характерига бундай ижобийлик унинг фарзандларига, хелиларига тўғрилиқни, адолатни, халққа ҳалол хизмат қилишни ўргатишида очик-ойдин кўринади. Қалина Бустонга ўгли учун арвалти эрдан элемент пули келганда Фармон бoйи: "Сотти, пулни менга бер. Элик сум экан-а. Почтадан ўзига қайтариб кўр. Мен бунақа пулдан хазар қилман. Болари ўзим боққанман. Бу ёғи а ҳам кўрбим келади.../Соттига/ ўша эски эри ўлгурнинг шехонасига менинг номидан хат ёзиб бер. Иккинчи пул юборма, деб ёз. Юборса парткомга ёзиб шармадасини чиқазаман"¹, - дейди.

"Келаятлар кўзголови" комедиясида ҳар бир персонажнинг ижобийликни намoён этишда ўзига хос ўрни, вазифаси бор. Асардаги Ингора образи ижобийликнинг тантанасини кўрсатувчи персонаж сифатида муҳим ўрни тутади. Ингора оиладаги рўзгор юритиш тартибига, қайнонанинг талабларига сира кўнлик олмайли ва буни ҳозирги турмуш тарзимиэдаги жиддий нуқсон деб билади. У "мен қанақа ўйга қалин

¹ Салт Аҳмад. Саъдинома. 3-килт. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982. 408-бет /Бундан кейинги кўчирмалар ҳам шу нашрдан олинди, ҳазм ичида бети кўрсатилмади./

булиб тундим. Ун саккизинчи асрга қаттиб кетди-ку...", "Бу қайси ховлик замони. Қайси феодалнинг уйи" /400-бет./ дейди.

Комедияда миллий қадриятлар - миллий рух, миллий характер юхирлик билан акс эттирилган. Бу хусусият, айниқса, Фармон биби характерда яққол намоён булади. Фармон бибига ёш келини Нигоранинг маъкачан бадавтарбия машқларини бакарини маъқул тунмайди. Унингча, галини енгги узун кулмак, лозим ва рўмош ураб юриш шарт. Фармон бибида бу миллий қилмоларга нисбатан ҳурмат, эътиқод кучли. Томошабини бу уринда унинг ҳолатига тунувани, ҳаракатларидан самимий, кириқиб кулади, унга нисбатан газаби кузгалмайди.

Бу уринда Фармон биби характерга ва хусусан, унинг ечим ҳақида адабий танқидчиликда айтылган айрим мулоҳазаларга муносабат билдириш лозим булади. А. Зоиров, Фармон бибида: воҳал, Умар, кеккайган қайнованинг асар охирида бутунлай бошқача одам бўлиб қолишига, унинг тез узгаршига ишонмайди¹. Худди шу мазмундаги эътирозлар О. Ғуломованинг "Келинлар кўзғолони"², М. Қодировнинг "Ҳазил, таги зил"³ мақолаларида ҳам мазкур. Бизнингча, Фармон биби каби образлар характердаги нуқсонларни "тузатиш" учун усталик билан қўлланган характерли бир детал ҳам қайси қилиши мумкин. Ҳ. Дониёров, С. Мирзаев: "Тузалувчи образларни ишонарли ва мукаммал қилиб тасвирлашнинг конкрет ғўлларини излаш, уларга мос характер ва деталлар, сикет ва композиция ўйлаб топиш ёзувчининг асар диалектикасига боғлиқ бўлган ўз ишидир"⁴, - деб ёзганларида худди ана шундай ҳолатларни на-

¹ Қўланг: А. Зоиров. Келинлар бун қилмайди. "Тошкент ҳақиқати" газетаси, 1976 йил 21 август.

² О. Ғуломова. "Келинлар кўзғолони". "Тошкент оқшоми" газетаси, 1976 йил 17 август.

³ М. Қодиров. Ҳазил, таги зил. "Ўзбекистон маданияти" газетаси, 1976 йил 17 декабрь.

⁴ Ҳ. Дониёров, С. Мирзаев. Ўз савъати. Тошкент, ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1962. 65-бет.

зарда тутган эдилар.

Саид Аҳмад "Келинлар кўзгोलони" комедиясида Фармон биби характерини нуқсонлардан ҳоли этишда ана шундай оригинал йул тутиб, "томоша ичида томоша" саҳнасини асар сюжетига сынглириб зборган.

Саид Аҳмаднинг "Кўёв" комедиясида ҳам ижобийлик давримиз руҳига мос бўлган воқеа-ҳодисалар ва типик характерлар асосида ётқини ифодаланган. Бу асарда драматург ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, фарзандларнинг бурчи масалаларини комедия жанри талаблари даражасида усталлик билан ёритган. Билебарин, И. Султонов ва Б. Каримов бу асарнинг фазилатлари ҳақида тухталиб: "...комедиянинг туб моҳияти - ота-она-фарзанд масаласини, болаларнинг ота-она олдидаги бурчи, аълодлар узвийлиги ва давомийлиги каби мавзуларни спектакль давомида эста-секин томошасинга сынглириб боради"¹, - деб ҳақ гапни ёзган эдилар.

Драматург Саид Аҳмаднинг "Келинлар кўзгोलони"да ёрқин намоён бўлган имористик услуби "Кўёв" комедиясига ҳам хос. Муаллиф комедияда асосий персонажларни имор ҳисси билан, имористик ҳаракатлар билан тўлдир таъминлаган. Уларнинг ҳар бир ҳаракати, диалог ва моноллари орқали ижобийликка намоён этишга муваффақ бўлган. Асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалардан бугунги куннинг нафаси уфуриб турибди. Комедия давримизнинг иккинчи гояларини, миллий кадриятларимизга улуғлайди. Ёлғизликка қоралаб, умуминсоний гояларни тарғиб этади. Бу тарафда муаллиф асарда ижобийликнинг намоён бўлишига эришди.

Комедиянинг бот қаҳрамони - машҳур лимончи Гани ота. У янгиликка, эзгуликка интилувчан инсон. Халол меҳнати эвазига эл-юрт олдида мизаб-икромга сазовор бўлган киши. Бироқ, Гани ота қариганда самхўрликка меҳр-оқибатга зор бўлади. Драматург айван шу ҳолатга

¹ И. Султонов, Б. Каримов. Ҳамкорлик самараси. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафтаномаси, 1985 йил 27 сентябрь.

асосиё эътиборни қаратиб, "Тани бошқа дари билмас" деган халқ мақоли мазмунли асарининг умумий руҳига салғидириб ёборади. Ўзгачлик-не қоралас, инсон омилига гажхурлик қилиш, ҳаётни сезиш гоёсини олганга суради. "Қуёв" комедиясидаги ижобийликнинг намоян бўлиши ҳам ана шунда.

Диссертациянинг иккинчи боби "Комедияда комик ҳолатларни қонини қилишда қонфликт ва характернинг роли" деб номланган. Унда мазмуннинг қонфликт ва характер билан боғлиқ ахқалари талқик этилади.

Маълумки, комедия сикети ҳаётий қонфликт ва қонини характер фаолияти асосига қурилади ва ривозланади. Қонфликт танлаш ва унинг ривозланишига таъминлаш эса драматургининг дувёқаралига, маҳоратига боғлиқ мураккас илҳий масалалар. Комедияда қонфликт характерларaro муносабат ва эҳдиётлар асосда шаклланади, унда қонфликт ва характер бошқа адабий жанрлардагидек фарқли ҳолда, фақат воқеаларни ҳаракатлантиргани куч эҳдиётлашга намоян бўлиб қолмай, комик ҳолатларни қулиниш ўз гоётуви муҳим восита ҳам ҳисобланади. Зеро, комедиянинг умумий ва асосий бағлиси комик ҳолат ва қулишдир.

Қонфликт ва характер орқали комик ҳолатларни ҳосел қилиш масаласида адабиётшуносликда турли хил қараешлар ва фикрлар мавжуд. Хусусан, айрим гарб олишлари /В. Волькенштейн, А. Бергсон, Н. Анкилов ва бошқалар/ комедиядаги ҳаётий қонфликт ва характерларни инкор этадилар; қонфликт ва характернинг асарда қонини қилиш ҳосел этишдаги ролини ва аҳқиятини пасайтироқчи бўладилар¹. Ҳолбуки, реалистик асарда /қулидан, комедияда/ қонфликт ва характер ўз моҳиятига қура илҳий ҳаёт, қилишлар ўртасидаги муносабат ва қураш билан боғлиқ тушунчалардир. Диссертант бу масалада ўз фикрларини,

¹ Қаранг: В. Волькенштейн. Драматургия. М., изд-во "Новая Москва", 1933.


илми хулосаларини асослашда В. Белинский, Н. Чернышевский, Н. Добролюбов сингари буюк назарийчиларнинг асарларига таянади. Чунки, улар комик ҳолатларнинг ҳосил бўлишида конфликтнинг роли катта эканини асосли равишда таъкидлаб, уни комедиядаги турли ҳаракатлар ва ҳолатларнинг бош манбаи деб белгиллаган эдилар.

Диссертант адабиётшунослигимизда ҳали ҳам бир нарса деярлик қилинаётган комиклик ва қулги тушунчалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни ҳам далиллар асосида кўрсатиб берган. Қулги комикликка қараганда кенгрок тушунчани англатади. Шунинг учун ҳар қандай қулгилли ҳодисани комик ҳодиса деб баҳолаб бўлмади. Қулгилли ҳодисада комиклик белгилари бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин, бироқ комик ҳодисада доимо қулги мавжуд бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, қулги ва комиклик ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд.

Комик ҳодиса деганда ижтимоий мазмунига эга бўлган, маълум бир мақсадга қаратилган, комик конфликт ечимдан таъминлашга хизмат қиладиган тушунча, қулги назарга тутилади. Бу ўринда қулгининг ижтимоий томониغا алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки комиклиkning ҳар қандай кўриниши кишилар янайдиган муҳитдан, ижтимоий шароитдан ташқарида ҳеч бир қимматга эга бўлмади. Демак, комиклик ижтимоий эҳтиётларнинг ўзини хос шакли, воқеликка киши муносабатининг алоҳида тури ҳисобланади.

"Мафсаранинг шеш", "Оғрик тиллар", "Кўрак сирлари", "Келдилар кўзгюлови", "Олтин девор", "Қурорт", "Темир хотин" сингари комедияларнинг таҳлили шуни тасдиқлайдики, конфликт ва характер орқали комик ҳолатларни ҳосил қилиш ўз-ўзидан содир бўлмади. Чунки бу кўп жиҳатдан асарда танланган ҳаётий материал табиатиға, драматургининг маҳоратиға боғлиқ масала ҳисобланади.

Тўғри, ҳаётда қулгилли ҳолату ҳодисалар кўп ва ранг-баранг. Бунга мос равишда уларни тадқиқ қиладиган турли-туман шакллар ҳам



мавжуд. Бирок, биз комик ҳодиса табиатини ўрганган деганда, асосан, комедия жанрига хос хусусиятларни тушунамиз. Зеро комедияда санъатнинг бошқа шаклларида фарқли ҳолда комик ҳодиса ёрқинроқ намоён бўлади. Бирок, буадан комедиядан ташқари бошқа адабий жанрларда комик ҳодисалар бутунлай учрамас экан деган ҳулосага келмаслик керак. Комик ҳодиса кўринишлари драмада, романда, кпссанда, достонда, ҳикояда ва бошқа адабий жанрларда, ҳатто трагедияда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Чунки ёзувчи турмушни ҳаққоний акс эттирар экан, ундаги фоживаёшлик билан комиклики бир-биридан ажратиб тасвирлаб олмайд. Зеро, турмушнинг ўзида улар кўпинча аралаш ҳолда учрайди.

Шунга ҳам қайд қилиш керакки, комедияда конфликт ва характер ёрдамида комик ҳолатларни ҳосил қилишга бағйишиб ёзилган баъзи мақолаларда кулгининг ролини асоссиз равишда ошириб кўриш ҳолатлари ҳам сезилмоқда; конфликт табиатидан сунъий равишда қулги чиқариш маъллари ёқламоқда¹. Бизнингча, кулгининг ролини пастга уриш тўғри бўлмаганидек, уни асоссиз равишда оширавериш ҳам комедияга обрў келтирмайди.

"Келинлар кўзгосони", "Курорт" комедияларида конфликт ва характер ёрдамида комик ҳолатларни ҳосил этиш масаласи маҳорат билан ҳал этилгани, диссертацияда бу ҳақда батафсил фикр зритилган.

"Келинлар кўзгосони" комедиясида асосий диққат конфликт ва характер воситасида комик ҳолатларни ҳосил қилишга қаратилган. Асар сикети ҳам ана шунга асосланган. Скетет санъимий қулги уйғотадиган деталар билан собитилган. Натияжада асардаги ҳар бир кўриниш ва эпизод қулгига сой бўлиб чиққан. Қуйидаги парчани олайлик:

¹ Қарагн: А. Лапроева. Драматургияда қулги масалалари. "Ўзбек тили ва адабиёти", 1936 йил, 3-сон; К. Лақимова. Комедияга доир бир неча сўз. "Ўзбек тили ва адабиёти", 1936 йил, 3-сон.

Фармон: Хой бола, ўламан-қоламан, шуни олмасам ўзимни ўлдираман, деб топган хотиннинг шуми, йўқот бунингни! Агар қўйвормас экансан, отагинангни арвоқини ўртага соламан.

Тухта: Ойи, ҳозир хотин қуйиш тақиқланган.

Фармон: Сен қўймасанг, мен қўяман.

Тухта: ЗАКСдан сизми ё мен утгазмани? Мени қўядиган хотиним йўқ.

Фармон: Курдинларми, буням бурнидан ип утказиб олган /398-бет./

Бу парча қулгига сероб. Бунда қулга ижтимоий мазмун касб этиб, комик ҳодисага айланган. Фармон биби билан унинг кенза ўгли Тухта ўртасидаги бу тўқнашув асар сюжетига асос бўлган конфликт ривожига тўртки беради. Нативада Фармон биби ховдониданги ўзига хос турмуш тарзи, "конун-қондалар" вамоён бўла боради. Драматург комиклиكنи кучайтириш мақсадида конфликтни яна янги-янги деталлар, эпизодлар билан бойлатди. Кенза келин Нигоранинг қаёвона билан муносабати, унинг оилада ўзини мустақил тутинишга ҳаракат қилиши яқс этган кўринишлар бу ҳикоятдан характерлидир.

Саид Аҳмад "Қуёв" пьесасида ҳам комик ҳолатларни ҳосил қилиш ва асардаги характерларни бунттириб кўрсатиш мақсадида конфликтни қулгиле тўқнашувлар, қизқарли деталлар билан бойлатган. Ва уларнинг ҳақмасини ягона мақсадга — асарнинг асосий гоявий мазмунини таъсирли ва қизқарли қилиб кўрсатишга қаратган. Бунда бош қаҳрамон Гани ота образидан драматург усталик билан фойдаланган. Отанинг гажўрликка, меҳрга таяна бўлганича драматург унинг ўз хатти-ҳаракатлари, нутқи орқали яққол ифодалади. Гани ота: "Кечқурун бўлди дегунча ҳамманг уй-ўйингга кириб кетасан, магазин қоронилинги лтидек битта ўзим қоламан", — дейди.

Ў. Умарбековнинг "Қурорт" комедиясида комик ҳолатларни ҳосил қилиш "Калинтар қўзғолони" ва "Қуёв" асарларидагидан фарқ қилади. "Қурорт" асари сюжети тарғазига кескин конфликт қўйилган. Аҳрим

ра: бар шахслар характеридаги расмиятчилик, порахўрлик сингари иллатлар билан поклик-ҳалоллик, эътиқодга садоқат ўртасидаги кураш бу комедия конфликтини юзага келтиради. Комедияда ҳалоллик, тўғрилик улуғланади.

Диссертацияда "Келинлар кўзголови", "Курорт" комедиялари тақдлий асосида конфликт ривози характерга боғланиши, характернинг конфликт ривозидаги ва комик ҳолатларни ҳосил қилишдаги роли ҳақида муайян ҳулосалар чиқарилган. Масалан, "Келинлар кўзголови"даги Фармон биби характерининг ижобий томонлари маъқулланган ҳолда ундаги манманлик, катталик, бошқалар фикри билан ҳисоблашмаслик, оилада ўзини "ҳокими муллоғ"дек туттиш сингари одатлар кулги остига олинган. Драматург Фармон биби характеридаги ҳар бир деталга, ҳар бир сўзга махсус эътибор бериб, улар воситасида комик ҳолатларни ҳосил қилади. Ҳусусан, пул Фармон биби характерини очиб берадиган муҳим воситадир; айна пайтда, у кулги ўйғотадаган детал ҳамдир. Бу ўринда Фармон бибининг ўғиллари ва келинларидаш пул йиғиб олиши, муҳбир билан учршиб, суҳбатлашгач, ундан яш ҳаққ-тонораб қуватишни талаб қилиши акс этган деталлар жуда муваффақиятчи чиққан. Лекин, Фармон биби харом пулдаш, енгил-елли йўл билан пул топишдан ҳазар қилади. Ўғли Маъмур отарчилиқ қилиб, мумай пул топишга уринганда она уни қаттиқ қойийди. Ёки, худди шунингдек, жиноят қилиб қамалган ўғлини озодликка чиқартириш учун пора бермоқчи бўлган бегона аёлни уйдан қайтаб чиқарали.

"Кўёв" комедиясида ҳам характер катти-ҳаракатларини кўрсатиш орқали комик ҳолатларни ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилган ва яхши натижага эришилган. Комедиянинг бош қаҳрамони Гани ота комик образ. Драматург унинг характерини очиб мақсадида кулгили ҳолат ва деталлардан унумли фойдаланган. Ҳусусан, асар персонаждаридан бири Эркиннинг фотографик ҳунари ва у билан боғлиқ кулги-

ли ҳолатлар, деталлар жуда конли ва жозибали бўлиб чиққан. Бу ҳолатлар Гани ота характери ни очигна бевосита ёрдам беради, ағни гакта, томошабинда самимий қулги уйғотади.

Ҷ.Умарбековнинг "Қурорт" комедиясида э а асосий образ Тулан Дуранович характери ни очигна караёнида табиий равишда комик ҳолатлар ҳосил қилинади. Тулан ўзидаги нуқсонларни сизра тан олмади, қуд қолларда уларни билса ҳам бўлмаслиққа олади. Натижала унинг характердаги ана шу нуқсонлар тез ўса беради. Драматург бу нуқсонларни очигна Туландаги қуруқлик, манмавлик, баландпарвозлик, кеґкайиш, шм-сизлик сингари белгилардан ўривли фойдаланган. Туланнинг "кайсибир театр ўда поёни маст қалиб /муҳр/ бостириб олишган. Нима булган шунда?" каби суаларида унинг маънавий қашшоқлиги яққол сезилади. "Қурорт" пьесасида асар комизмини таъминлашга хизмат қилувчи бўндай мисоллар қуд.

Диссертациянинг "Комедияда услубий қуришиллар" деб номланган учинчи бобида Ҳамза, А.Қаҳҳор, Б.Раҳмонов, Саид Аҳмад, Ҷ.Умарбеков комедиятери тил ва услуб илҳатида бир-бири билан таққослаб ўрганилган. Шу орқали ўзбек комедиячиликда услубий рағ-баранглик мавқудлиги тасдиқланган.

Бзувчининг услуби, оғатда, жанр шжониятлари ва хусусиятлари билан мустаҳкам боғланган бўлади. Жумладан, комедияда услуб драматургиянинг сўз ва ибораларни тавлаб-тавлаб қўллаши натижасида кзага келадиган диалог ва монологларда шаклланади ва ваясён бўлади. Бу хусусият Саид Аҳмад услубига ҳам, Ҷ.Умарбеков услубига ҳам хос.

Саид Аҳмад асарларининг тили ва услуби ўзига хос, ширали, об-разли ва кморга бой. Адиб ҳикоялари, қисса ва роғавлари халқ қонли тили бойлиқларига, халқ мақол ва ҳикматларига, турли бадий-тасвирий воситаларга бойлиги билан ақралиб туради. Бу фазилат унинг комедияларида ҳам бўртиб қурилади.

Саид Аҳмад комедияларида сўзларни ортақча ишлатиш, ноўриқ қўл-
лаш ёки сунъийлик сезилмайди. Драматург комедиянинг жанр хусусият-
ларини ҳисобга олиб, диалогларни, персонажлар нутқини ихчам, образли
ва шорга бой қилиб беради. Адиб персонажлар нутқида халқ мақол
ва зборларини қўллаб қўллайдики, бу ҳол комедия тилига сиққилик
бағишлаш билан бирга, асарнинг ҳаётиёлигини, комиклик руҳини кучай-
тиради. "Келинлар кўзгюлини" комедиясида асарнинг гоёвий мазмуни-
ни ва характер моҳиятини образли тарада очишга бевосита хизмат
қиладиган "Икки кўчкорнинг боши бир қозонда қайнамас", "Ишонмаган
дўстига, сомон тижар пустига", "Бир тонукка ҳам дон керак, ҳам
сув керак", "Дўст бошга, душман оёққа қарайди", "Эскини ямасанг эс-
ланг кетди", "Оларда кирар хоним, беради чиқар хоним" сингари халқ
мақолларини персонажлар тилидан усталик билан қўллайди. Бу хусу-
сият "Қуёв"да ҳам яққол кўрилади. Комедияда "Тани бошқа дард бил-
мас" мақоли воситасида Гани отанинг руҳий ҳолати, унинг қариганда
меҳрга зор, ёлғизликдан безор бўлгани усталик билан ифодаланган.

Саид Аҳмад халқ мақол ва зборларини аънан қўллаш билан бир-
га, асар мазмуни ёки муайян вазият талашига биноан уларни ўзгарти-
риб ҳам ишлатади. Бу тарада ҳам асардаги қўлги-комикликни кучайти-
ришга эришади. "Келинлар кўзгюлини" комедиясида "... така бўлсин,
сут берсин" мақолини "така бўлсин, өз граим суги бўлсин" шаклида,
"мулла мишган эшакдек ёвош" мақолини "мулла мишган велосипеддек
ёвош" шаклида ўзгартириб ишлатади.

Саид Аҳмад "Келинлар кўзгюлини"да персонажлар нутқини индиви-
дуаллаштираётган, ҳар бир персонаж характериға мос ва хос сўзлар-
ни синчковлик билан ўз урнида ишлатади. Фармон биби "Ухлаганда
ҳам яққи кўзини очиб ётади" /Башират сўзидан/, "Шўрликлар /бедана-
лар/ отини кўриши билан соқов бўлади-қолади" /Мухабб сўзидан/,
"Ойдини қўлга тушдиру елжамни ким сийласа, мушукдек мушайлаган

булиб қолдим" /Дўтқи сўзидан/ каби мисоллар ана шулар қумласидан.

Бунда: характерли мисолларни "Қуёв" комедиясидан ҳам келтириш мумкин. Асарда Қудрат тилидан қўлланган биргина "Кучага чиқиб эркак зотини курсам, қуёвим шу бўлса керак деб, эҳтиётдан салом бериб утаман" қумласини олайлик. Бу қумла воситасида муаллиф Назми номли хувоининг турмуш тарзини фож етади ва томошабинда қулги ўйотади.

Саид Аҳмад сингари Ўлмас Умарбеков ҳам персонажлар тилини индивидуаллаштирар экан, воқеа-ҳодисалар мантикидан, образлар характеридан келиб чиқади. "Қурорт" да расмиятчи раҳбарлар нутқида хос "эшитаман", "бораверинг", "қурағиз" сингари сўзлар гердайган раис Туланинг характерини очиб беришга бевосита хизмат қилган. Эки, Қузибой Рузибоев нутқдаги "бир", "икки" каби сўзлар унинг ҳисобчилик касбига мосдир.

Ҳар иккала ёзувчи ҳам, афвиқса, Саид Аҳмад ўз комедияларида персонажлар шилини индивидуаллаштиришда, қулги яратишда турли хил тасвирий воситалардан унумли фойдаланганлар. Саид Аҳмад комедияларида ухшатишларнинг яқки хил қўринишини қўлағайли: а/ анъанавий ухшатишлар; б/ ҳозирги давр руҳига мос ухшатишлар. Мисоллар: "Келинлар қўзғолони" асарда Фармон биби тилидан "лағмонни сочнинг толасидек ингичка қўзади, чучварани данакдек тугади", "ноялари лолага ухшаб қизаради" сингари анъанавий ухшатишлар маҳорат билан ишлатилган. Драматургнинг хотин киши йиқилишини ўқ теккан қаптарга, қўзни дурбин ва рентгенга, қулоқдан микрофонга ухшатиши эса ҳозирги давр ҳаётига хос ва мос тасвирий воситалардир.

Саид Аҳмад "Қуёв" комедиясида бел буқалишини обқашининг эгидилишига, қадам ташлашни соатнинг қанқ, ага, қари қалпирлар ҳолатини, эзини ҳилвираб турган нарсаларга ухшатилиши ҳам муваффақиятли чиққан.

Маълумки, сатирик ва имористик асарларда, комедияда муболаганинг роли катта. Саид Аҳмад Фармон биби характери ни яратишда, персонажнинг ўзига хослигини таъминлашда муболага усулини маҳорат билан қўлайди. Фармон биби эрини эслар экан, "Раҳматликни Азим шер деб атарди. Ўрса ер титрарди. Ўтаталса, дарахтдаги қушлар парр этиб учиб кетади. Акса ўрса, осмонда қомақадироқ бўлиб чақмоқ чақарди" дейди. Ўзи, муаллиф Фармон бибианинг каттиққўллигини таъкидлаш мақсадида персонаж тилидан "Осмони фалакни гулдиратиб келайтган самолёт ўшмиш тепасига келганда пилдир-нас қилиб, овсини чақармай ўтади" муболагали жумлани қўлайди.

"Куёв" комедиясида ҳам "...сигир соҳқанда куёвининг арағидан пахтага томзиб, елнини артади", "Қосқунни ҳам, чойнак-пиёлани ҳам атир сонунда эвади" тарзидаги оригинал муболагалар маъқуд.

Ўлмас, Саид Аҳмад ҳам, Ўлмас Умарбеков ҳам ўз комедияларида тил ижобиятларидан маҳорат билан фойдаланиб, асардаги комик оҳангни кучайтирганлар, тил воситасида комедиядаги изобойликни таъминлаганлар.

Дэссертдаги муволага илмий хулосалар чиқариш:

1. Комедияда изобойлик одатда турли нуқсонларни, кишилар онгидаги айрим яллатларни фох этиш заминда назорат бўлади. Бунда драматургнинг гоёвчи-бадшай илти, ҳаётий позицияси, нуқсонларга муносабати ҳам қилувчи роль ўйнайди.
2. Конфликт ва характер барча адабий турларда бўлгани сингари комедияда ҳам муҳим аҳамият касб этади, асарда комикликни таъминлашга бевосита хизмат қилади. Биро, комедияча ҳаётий конфликт ва характер комиклик ўйготушнинг асосий манбаларида ҳам ҳисобланади.
3. Комедияда услубий кўринашлар хилма-хиллигининг асоси халқ ҳисси тили бойлиқларидан моҳирона ва унумли фойдаланишдадир. Ҳар бир ашқор ўз дўшқарашига ва маҳорати дараҳасига мувофиқ халқ

мақоллари, ҳикматли сўзлари, сўз ўйинлари ва турли бадиий-тасвирий воситалардан фойдаланган. Натияжада комедия муаллифининг ўзига хос услуби ҳосил бўлади.

Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги мақола ва тезисларда фойдаланган:

1. Саид Аҳмад комедияларининг баъзи хусусиятлари.

Илмий-техника инқилоби даврида долзарб илмий-филологик муаммолар. Илмий конференция докладлари тезислари. Самарқанд, 1987.

2. Комик конфликт ечимида қулгининг роли.

Олий ўқув yurtларида филология ва тарих фанларининг долзарб масалалари. Ўш олимларнинг илмий конференцияси докладлари тезислари. Самарқанд, 1988.

3. Миллий характер яратишнинг африм хусусиятлари ҳақида /Саид Аҳмад комедиялари мислида/. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессор-ўқитувчиларининг 51-илмий ҳисобот конференцияси маърузалар тўплами, Самарқанд, 1993.

4. Комедияда характер яратишнинг ўзига хос томонлари.

"Бадиият ва маҳорат" номли илмий мағолалар тўплами. Самарқанд, СамДУ нашри, 1994.

5. Комедияда тил бойликларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессор-ўқитувчиларининг 52-илмий ҳисобот конференцияси маърузалар тўплами, Самарқанд, 1994.

РЕЗЮМЕ

В данной диссертационной работе проведено исследование проблемы комического на материале современных узбекских комедий.

Диссертация состоит из введения, трёх глав, выводов и списка литературы. Во введении обосновывается актуальность, новизна, научно-практическая ценность исследования, его цели, задачи и методологические основы.

В первой главе исследуются способы раскрытия проблемы положительного в узбекской драматургии, а точнее, своеобразие этой проблемы в жанре комедии. Научные выводы основываются на примерах, взятых из комедий Саид Ахмада и Ульмас Умарбекова. Диссертант делает вывод, что отношение драматурга к раскрываемым недостаткам, позиция автора - это своеобразная форма выражения положительного.

Вторая глава называется "Роль конфликта и характера в формировании в комедии комических ситуаций". На примере комедий "Бунт невесток", "Жених" /Саид Ахмада/, "Курорт" /Ульмас Умарбекова/ раскрывается важность правдивости и жизненности избранного конфликта и характера, необходимого, чтобы сформировать в комедии комическое, пробудить смех. Отличительной чертой комедии является насыщенность природы конфликта, духа характеров комическим, смешным. И поэтому важно выбрать из жизни события, комические образы, богатые смешным, противоречивыми. Диссертант научно обосновал высокое мастерство Саид Ахмада и Ульмас Умарбекова в использовании богатых и испытанных речевых приемов и средств в раскрытии комического.

В третьей главе "Разнообразие стилей в комедии" делается вывод, что своеобразное использование драматургом огромного богатства народного языка приводит к стилистическому разнообразию в комедии. В главе на конкретных примерах раскрывается своеобразие Саид Ахмада и Ульмас Умарбекова в использовании средств художественного изображения, а также таких свойств народного языка как краткость и простота, многозначность, игра слов, богатство пословицами и поговорками.

В заключительной части диссертации сделаны следующие выводы: во первых, проблема положительного в комедиях Саид Ахмада и Ульмас Умарбекова основывается на веселом настроении, определяющем национальные традиции и особенности нашего народа. Во - вторых, важным моментом,

обеспечивающим успех комедии, вызывающим естественный смех и создающим дух комического, является выбор жизненно-комического конфликта и характера. В - третьих, отмечается большое значение рационального, полного использования в комедии богатства народного языка.

По материалам диссертации опубликовано 5 научных статей и тезисов.

R E S U M E

This dissertation is dedicated to the problem of creating a effect in modern Uzbek comedies.

The work consists of an introduction, three chapters, conclusions and list of literature. The introduction deals with actuality, novelty, theoretical and practical value of the study, its objectives and methodology.

The first chapter treats the problem of the positive sense in Uzbek drama, or rather, the specificity of this problem in the genre of comedy. The scientific conclusions are based on illustrations chosen from comedies by Said Ahmad and Ulmas Umarbekov. The chapter ends in the conclusions that the playwright's attitude to the exposed faults, i.e. the author's standpoint is a peculiar form of expressing the positive purport.

The second chapter is entitled "The role of conflict and character in creating comic situations in comedies." The importance of choosing life-like conflicts and characters is shown on examples of the comedies "Riot of Brides", "Fiance" (Said Ahmad), "Health Resort" (Ulmas Umarbekov). Such conflicts and characters produce the comic effect and evoke laughter. The distinctive feature of comedy is pervasion of situations and characters in it with comic and funny tonality. That is why a choice should be made of such events and images which are funny and conflicting. The candidate has proved scientifically the great skill of Said Ahmad and Ulmas Umarbekov in finding adequate expressive means and stylistic devices for creating the comic effect.

The third chapter is about "Variety of styles in comedy". The conclusion is made here that stylistic variety in comedy results from a playwright's skillful use of the expressive wealth of

the national language. Concrete examples lay the foundation for showing the talent of Said Ahmad and Ulmas Umarbekov for selecting and using the means of expression as well as such properties of the national language as brevity and simplicity, polysemy, play-on-words, sayings and proverbs.

The summing-up part contains such conclusions as:

1. The positive purport in comedies by Said Ahmad and Ulmas Umarbekov originates from humor characteristic of the national traditions and spirit of Uzbek people.
2. The success of a comedy greatly depends on precise choice of life-like comic situations, conflicts and characters.
3. Emphasis is laid on rational and adequate application in a comedy of the expressive wealth of the national language.

Six scientific articles and theses have been published on the material for the dissertation.

Hub

1903
Handwritten Title
Handwritten Title

Handwritten text
Handwritten text
Handwritten text
Handwritten text

Самлв 6. 110-100-94.